



ЎШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 7 октябр, шанба № 148 (980)


СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХАТИРЧИЛИК УЧ ПАҲЛАВОН



Хатирчи тумани аҳолиси 150 минг нафарга етди. Боиси Шароф Рашидов номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Шокир Шодиев ва Насиба Собирова хонадонидан бир йўла уч ўғил дунёга келди. Шодиевларнинг уч ўғли олти, беш фарзанди саккизга бўлди. Ота-оналар Юртбошимиз хурматига кенжатоиларига Илом, Абдуғани, Карим дея исм қўйди. Ҳозирги кунда она ва болалар шифокорлар назоратида соғлом ўсмоқда. Кунни кеча Навоий вилоят ҳокими Ф.Диллов ана шу оилада бўлиб, чақалоқларга совға-саломлар топширди.

(ЎЗА).



КОЛЛЕЖЛАР БАРПО ЭТИЛМОҚДА



Бугунги кунда бунёдкорликка катта аҳамият қаратилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда осмон-улар замонавий биноларнинг буй қузётганлиги фикримиз тасдиғидир. Ўзига ҳос табиғатга эга бўлган Қашқадарёда ҳам ана шундай ҳашаматли иморатлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Энг муҳими, вилоятнинг туманлари-ю қишлоқларида қуришиш ва ободонлаштириш ишлари жадаллик билан

ЖУМАБОЙ ОТА МАМУТОВ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ЧИМБОЙ ТУМАНИДАН. ҚАРИЙБ 45 ЙИЛДАН БУЁН ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА КАМАРБАСТА БЎЛГАН ОТАХОН ХАЙРЛИ ИШГА ҚЎЛ УРДИ. Қ.АВЕЗОВ НОМИДАГИ ХЎЖАЛИККА ҚАРАШЛИ АЙТЕКЕ ОВУЛИДА ГУЗАР МАЖМУИ ҚУРИЛИШИНИ ПӨБИГА ЕТКАЗДИ. УН ИККИТА ТУРАРЖОЙ БИНОСИ ХАМДА МАШИЙ ХИЗМАТ УЙИ, САВДО ДЎКОНЛАРИ, ОШОНА ВА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ШОХОБЧАЛАРИДАН ИБОРАТ ГУЗАР МАЖМУИ БУГУН ЭЛ ХИЗМАТИДА. ШИНАМ УЙЛАРГА ҚЎЧИБ КЕЛГАН ОИЛАЛАР ҲОВЛИ ТҮЙЛАРИНИ ЎТКАЗМОҚДА. ПАЙГАМБАР ЁШИНИ НИШОНЛАЙТГАН ОТАХОН ГУЗАР МАЖМУИ ҚУРИЛИШИ УЧУН ЎЗИНИНГ ШАХСИЙ ЖАМГАРМАСИДАН 10 МИЛЛИОН СЎМ САРФЛАДИ.

ГУЗАР МАЖМУИ

Насиб қилса, келаси йили бу ерда мўъжазига на дехқон бозори қуриши мўлжаллаб турибмиз. Эл шод бўлса, биз шодимиз,- дейди камтарлик билан саховатпеша отахон Жумабой Мамутов.

Ш.ШАРОПОВ
(ЎЗА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳнинг мажлиси бўлди. Унда Олий Мажлис депутатлари, Марказий банк, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашди. Мажлиси мазкур қўмита раиси, ишчи гуруҳ раҳбари А.Ахадов бошқарди.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИХАСИНИНГ МУҲОКАМАСИ

Мажлисида макроиктисодий кўрсаткичлар истиқболлари ва 2001 йилнинг Давлат бюджетни лойиҳаси қўриб чиқилди. Тазкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг лойиҳаси ва макроиктисодий кўрсаткичлар истиқболлари Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган ус-тувор вазифаларга асос-лашиб ишлаб чиқилган. Давлат бюджетининг лойиҳасида макроиктисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, инфляция даражасини пасайтириш ва бюджет тақ-чиллигини камайтириш, фаол инвестиция сийасати-ни ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар ўз акси-ни толган. 2001 йилда иқтисодий ислохотлар янада чуқурлаштирилиб, янги ички маҳсулот, сана-от ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чи-қариш, капитал қўйилма-лар, товар алмашинуви ва аҳолига пуллиқ хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг ўсиши давом этади. Бюджетнинг даромад қисми тadbirkorларнинг фаоллигини ошириш, жис-моний шахслар даромад-ларига солиқ солишни та-комиллаштириш мақсади-да ишлаб чиқарувчиларга солиқларни янада камай-тириш, билвосита солиқ-

(ЎЗА).

ОМИЛКОРЛИК ЛИМОНЛАР - МИЛЛИОНЛАР

Бундан йигирма йилча муқаддам эски Термиз яқини-даги қум барханлари оралаб ўтган «Термиз-Тошкент» автойўлининг икки тарафи кета-кетгунча лимонзор эди. Кўёнинг ҳам кўзини қамаштирадиган улкан кўзгү - иссиқхоналар остида йилига 12 миллион дона лимон етиштириларди ўша пайтлари. Термиз туманидаги хўжа-ликлараро «Наврўз» мажмуасига қарашли бу лимон-зорлар сафида яна мевали боғлар, арчазорлар, пахта ва галла майдонлари, вилоят отчопари ҳам бор эди. Афсуски, йиллар ўтиши билан иссиқхоналар хароба-га айланди. Сабаби хўжасизлик. Торта-торт. Охи-роқибат талон-тароҷ бўлган ажойиб лимонзор ҳосилдан қолди. Қишда совуқ урди. Буталар қуриди. Шу тариқа иссиқхоналар қўлдан-қўлга ўтиб, охири «Халқобод» жа-моа хўжалиги ихтиёрига берилди. Тан олиш керак, «халқобод»ликлар баҳоли қудрат ишлашди. Лекин ли-монзорларни тиклаш катта маблаг ва меҳнат талаб қили-ши, уни биргина хўжалик кучи билан оёққа тургазиш осон эмаслиги равшан бўлиб қолган эди. Вилоят ҳокими Бахтиёр Олимжонов лимонзорларни обдон кўздан кечирди, бу ерда меҳнат қилаётган одам-лар билан суҳбатлашди. Тажрибали боғbonлар, хўжа-лик ва туман раҳбарлари билан кенгашиб, иссиқхона-ларни ижарага бериш тўғрисида ўзгача келди. Тез орада ижарачилик асосидаги дехқончилик хўжаликларни ташкил этилди. Ишинг кўзини биладиган, тажрибали боғbonлар иссиқхоналарни ижарага олди. Уларга дех-қон хўжалиги макони берилди, банда ҳисоб рақами очилди. Имтиёзли кредитлар ажратилди. Ижарачилар сони кўпайгандан-кўпайди. Ҳатто танлов бошланди. Шу тариқа лимонзорларга қайтадан жан татилди. Ижарачилардан бири, тажрибали боғbon Тўра Раҳи-мов айна пайтда 10 минг тул лимон кўчатини парва-ришляпти. Зоир Шералиев эса ўзига қарашли 84 та иссиқхона бинойидек тазмирлаб, 50 мингдан ортиқ лимон кўчати устирмоқда. Ҳадемай ўзининг ҳақиқий эгасини толган иссиқхона-ларда яна димқон қўтиқловчи ифур уфурди. Ана ўшан-да офтобдор лимонлар миллионларга айланари.

(ЎЗА).

Ижтимоий ҳимоя

Фаргона вилояти алоқа қорхоналарида қабул қилинган жамоа шартномаларида иш-ларни тартибга солиш, иш жойларини сак-лаб қолиш ёки қайта ташкил қилиш, ходим-ларга имтиёзлар ва қарорлар бериш, меҳнат муҳофазаси бўйича тadbirkorларни амалга ошириш каби қатор масалалар ўз аксини толган.

Қасаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътиборни қаратаёلمиз. Тузилган битим, шартномалар-нинг кўп бандлари ба-жарилган бўлиб, иш ҳақини индексациялаш ва ўз вақтида тўлаш, қулай ҳамда хавфсиз меҳнат шaroити яратиш каби қатор вазифалар амалга оширилди. Алоқа ходимлари ўртасида жисмоний тарбия, спортни ривожлантириш мақсади-да «Фаргона Почтаси», «Фаргона Телеком» ҳиссадорлик жамият-лари ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўми-таси билан биргаликда спартакиада ўтказдик. Бу тadbirkor Фаргона

шаҳар «Химик» ўйин-гоҳида бўлди. Голиб ко-мандалар Тошкент ша-ҳрида ўтказилган Ўзбе-кистон алоқа ходимла-рининг спартакиадаси-да қатнашиб, яхши на-тижаларга эришдилар. Маданий-оқартув ва спорт-соғломлаштириш режалари учун қасаба уюшма қўмиталарига ўтказиладиган маблаг-ни вилоят қўмитаси ўз ҳисоб рақамига жам-лаб, марказлашган ҳолда барча бошланғич ташкилотларни спорт анжомлари ва ки-вилмлари билан тўла таъминлади. Маблагларнинг бир жойга тўпланиши вило-ят миқёсида турли спорт мусобақалари, кўрик-танловлар, со-ғломлаштириш тadbirkorларини ўтказиш ва қасаба уюшма фаоллари-

АСЛИ ДУНЁ МЕҲРДАН ЯРАЛГАН


нинг мунтазам ўқувини ташкил этиш имкония-тини яратди. Қўмитамиз ўз иш фаолиятида амалдаги жамоа шартномаси шартларининг бажари-лишини ҳар чоракда акциядорларнинг ум-вий йиғилишида муҳо-кама қилиб, йўл қўйил-ган камчиликларни ту-гатилиш чораларини кўрапти. Ўтган йилда жамоа шартномасига асосан ҳар бир ходим-га ўртача 15795 сўмлик имтиёзлар тўғри келди. Ойлик ма-ошлар вақтида бериб бориляпти. «Соғлом авлод йили» муносабати билан кен-жамовли тadbirkorлар режаси ишлаб чиқил-ган. Ҳар чоракда раҳ-барларнинг ҳисоботи эшитилади. Жамоа шартномасига кўра дам олиш уйлари, санаторийлар, санаторий-профилакторий ҳамда болалар оромгоҳларига йўлланмалар бепул тақсимланмоқда. Кам таъминланган, кўп бо-лани оилалар фарзандларига ўқув дарсликларни бепул тарқатилади. Бундан ташқари, ногирон бо-ласи бор иккита оила-га ногиронлик арава-часи олиб берилди. «Фаргона Почтаси» ва «Фаргона Телеком» ҳиссадорлик жамият-ларида меҳнат муҳо-фазаси учун ўн икки ойда 1447 минг сўм маблаг сарфланди. 61 нафар ходим пул мукофоти олди. 24 нафар киши дам олиш уйларида ўз саломат-ликларини тиклаб қайтишди. Бундан та-шқари, байрам, дам олиш кунлари тунги наватчиликда турган ишчилар ҳам рағбат-лантирилади.

А.УСМОНОВ,
Фаргона вилояти
алоқа ходимлари
бирлашган қасаба
уюшма қўмитаси
раиси.

ТЕРИМ МАВСУМИ АВЖИДА

Мамлакатимиз пахтакорлари уйган «оқ олтин» хирмони икки миллион уч юз минг тоннадан ошди. Айна вақтда даладарда хали пахта мўл. Миришкор дехқонлар йил бўйи қилинган машак-қатли меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилнинг ҳар бир толасини исроф қилмай, ўз вақтида йи-гиштириб олишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

«Пахта-2000»



Бирок, кейинги кунлар-даги об-ҳавонинг ўзгару-чанлиги йиғим-терим су-ря-атининг пасайишига, гўза чанокларнинг суст етили-шига олиб келди. Аммо, энг муҳими, кузнинг бундай сер-егин келиши заршуносла-римизнинг кайфиятини ту-шира олгани йўқ. Респу-блика бўйича пахта тайёр-лашинг бориши тўғриси-даги 6 октябрдаги бўлган маълумотга кўра, шу кун-ларда даладардан 30 минг тоннага яқин ҳосил йиғи-штириб олинмоқда. Бу кун-лик режанинг 0,73 фоизи-ни ташкил этади. Айтиш керакки, ўзбек пахтачилиги тарихида илк бор режани сентябрнинг ўн бешидаёқ удалаб катта муваффақият қозонган ан-дичонлик миришкорлар-нинг тажрибаси айнакча тахсинга лойиқдир. Улар

корлари дастлабки дово-ни босиб ўтдилар. Бухоро, Навоий, Фаргона, Наман-ган, Сурхондарё вилоятла-ри миришкорлари тобора йиллик маррага яқинлашиб бормоқдалар. Улар ҳозир-га қадар йиллик режанинг 75-78 фоизи атрофида пах-та топиришга эришдилар. Сир эмаски, ҳосилни тез ва қисқа муддатда йиғи-штириб олишда терим агре-гатларидан самарали фой-даланиш катта аҳамиятга эга. Шу боис мамлақати-миз бўйича 700 минг гек-тардан ортиқроқ майдонда-да пахта машиналар ёрда-мида териб олиниши кўзда тутилган эди. Афсуски, ҳамма жойда ҳам машина теримига бирдек эътибор қаратилмаётти. Бу борада Жиззах, Қашқадарё, Самар-қанд вилоятларида айниқ-са сусткашликка йўл қўйил-моқда. Уйлаймизки, мавсум давомида бу камчиликлар-га барҳам берилиб, табиат инъом этаётган илқ кун-ларнинг қадрига етган ҳолда ҳосилнинг бир ми-қолини ҳам исроф қилмай, ўз вақтида йиғиштириб олишга барча имкониятлар ишга солинади. Уктам ДҮСТЁР,
ЎЗА мухбири.

ТАДБИРКОР МАНФААТИ — ҲИМОЯДА

Жойларда фермерлик ҳаракатига тўсиқ қўйиш ҳоқлари оз бўлса-да, ҳамон учраб ту-рибди. Ана шундай ҳатти-ҳаракатларга барҳам беришда Жиззах вилоят Адлия бошқармаси ҳузуридаги тadbirkorлар манфаатини ҳимоя қилиш бўлими ходимлари изчиллик, қатъият-лик кўрсатмоқда.

Фаллаорол тумани-даги «Тозауруғ» қишлоқ фуқаролар йи-ғини ҳудудида 1995 йили фаолият бошла-ган Абдували Абдураи-мов бошлиқ «Ойбек» фермер хўжалиги та-сарруфида дастлаб икки гектар сўғорила-диган ер майдони бўлган бўлса, туман ҳокимининг 1996 йил 25 январдаги қарорига кўра 8 гектар, 1998 йил 12 январдаги қарори билан яна 20 гектар сўғориладиган майдон-лар ажратиб берилди. Бундан фермерлар қувонишди, албатта. Лекин бу хурсандчилик узоққа бормади. «Муз-булоқ» ширкат хўжали-ги раиси Ф.Абдужалилов-нинг «ташабуиси» билан фермер хўжалиги учун ажратилиши зарур бўлган экин майдонлари бир-биридан 4-5 кило-метр узоқ жойдан берил-ди. Бу суний тўсиқлар-ни келтириб чиқарди. Жамоа аъзоларининг кучи учга бўлинди, етиш-тирилган маҳсулотларни ортши, ташиб келтириш-да иқтисодий қийинчи-ликларга дуч келинди. Шулар ҳақида фермер хўжалиги раҳбари Төг-ми

САНСАЛОРЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

маган. «Музбулоқ» ширкат хўжалиги маъ-муллари ана шундан фойдаланиб, ўзларин-нинг қимлигини фер-мерга «курсапти қўймоқчи» бўлишган кўринадди. Фермер хўжалиги раҳбари А. Абдураимов Жиззах вилоят Адлия бошқармасига ҳақ-хўқуқини ҳимоялашда ёрдам бериш юзасидан мурожаат қилди. Ўз наватчида бошқарма ходимлари ишни жойи-да ўрганиб, масалга ойдинлик киритишди. «Музбулоқ» ширкат хўжалиги раҳбарига сўровнома юбориб, ушбу ишни одилона кўриб чиқишни тавсия этди. Демак, бир неча йилдан бери ўз ечими-ни тополмай келаётган муаммага ниҳоят нукта қўйилишига умид қи-лиш мумкин. Абдураимов,
Жиззах вилоят
Адлия бошқармаси
бўлими мудири.

Касаба уюшма ҳаёти

ФАРЗАНДЛАРИ БАРКАМОЛ ЮРТ БАДАВЛАТДИР

«Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган 2000 йилнинг учинчи чораги ҳам якунланди. Шу давр ичида бу борада мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди. Хўш, баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу ишга касаба уюшмалари қандай ҳисса қўшмоқдалар? Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг раиси Каримжон РАИМЖОНОВ билан мухбиримиз мулоқоти шу ҳақда бўлди.

— Сухбатимизни йилнинг ўтган ойларида бевосита Кенгаш ва бошланғич таъкилотлар ташаббуси билан амалга оширилган тадбирлардан бошлашасан.

— Аввало, иш берувчи билан тузилган жамоа шартномаларига ва ҳудудий ҳамда тармоқ келишувларига мажбуриятлар киритилганини таъкидлаш жоиз. Улар босқичма-босқич бажариб келинмоқда. Чунки, ўтган 9 ойда фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган оналарга 124 миллион сўм қўшимча нафақа тарқатилди. 457 нафар аёл ҳомиладорлигининг 5-6 ойидан таятйла чиқарилиб, уларга корхоналар ҳисобидан 18662 минг сўм нафақа тўланди. 9789 нафар кўп болали аёл оиласи сақланган ҳолда иш вақти 1 соатга қисқартирилди, ўзларига эса корхоналар маблағи ҳисобидан 80 миллион сўм қўшимча маош берилди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 228-1 моддаси талабига кўра 135 та акционерлик жамиятида, 7 та қўшма корхонада жамоа шартномасига киритиш йўли билан аёлларга қўшимча имтиёзлар жорий этилди ва унинг бажарилиши касаба уюшмалари назоратига олинди. Вилоятдаги 407 та корхонада шу йўл билан 1477 нафар болали аёлга шу йилнинг ўтган даврида 12 миллион сўм қўшимча иш ҳақи тўланди. Зеро, гўдакнинг соғлом дунёга келиши биринчи навбатда она саломатлигига боғлиқ.

— Дарвоқе, соғлом авлод шаклланишида моддий, маънавий шароит, жумладан, атроф муҳит ва бошқа омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. — Назарда тутилган соҳалар ҳам мунтазам эътиборимизда. Масалан, Кенгаш иш режасига кўра «Наманганавтойўл» бирлашмасига қарашли асфальт-бетон қоришмалари заводи, Наманган дон маҳсулотлари, Учқўрғон ёғ-экстракция, Чуст, Ташбулоқ пахта тозалаш корхоналари текширилди ва аниқланган кам-

қўра биргина «Шаханд» сихатгоҳида ташкил этилган марказга касаба уюшмалари томонидан фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва турли касалликлар билан хасталанган болалар саломатлигини тиклаш учун 10 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Ундан ташқари 9 ой мобайнида 210 нафар аёл болалари билан даволашнига юборилди. Ёш авлодни соғломлаштириш масканларига йўланмалар кўп болали, кам таъминланган оилаларга имтиёзли тартибда тақсимланди. Вилоят санаторий-профилакторийларида 131 нафар талаба саломатлигини тиклади. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан турли байрам тадбирларида кам даромадли, кўп болали оилалар фарзандлари, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига 1983 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят ёшлари соғлигини мустаҳкамлашда турли спорт тадбирларини ташкил этиш бизда одат тусига айланган. Айниқса, 22-29 май кунлари вилоятимизда бўлиб ўтган «Универсиада-2000» ёшлар ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу унутилмас тадбирга тайёргарлик ишларида ва уни муваффақиятли ўтказишда Кенгаш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт жамияти фаол иштирок этди. Биргина спорт кийимлари учун 720 минг сўм маблағ сарфланди. Футбол мактаблари ўртасида Жиззах шаҳрида республика мусобақасида катнашган вилоят касаба уюшмаларига қарашли 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ёш футболчилари биринчи ўринни эгаллашди. Ангил атлетика бўйича мусобақаларда эса 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари юқори ўринларни эгалладилар. Шунингдек, вилоят «Камолот» жамғармаси, жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан ҳамкорликда «Шунқор» ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказишни йўлга қўйдик. Хуллас, вилоят касаба уюшмалари соғлом авлодни вояга етказиш ва даримизга муносиб кишилар сифатида шакллантириш учун белгиланган тадбирларни изчил амалга ошираверди.

— Ёшлар учун янги иш жойлари барпо этиш масаласига ҳам эътиборингиз.

— Йигит-қизларни иш ўрни билан таъминлаш, ишлаётганларга қўшимча касб-хўнара ўргатиш каби масалаларда касаба уюшмалари фаол кўмак бермоқда. Мамнуният билан шуни таъкидлаш лозим, бугунги кунда «Косонсой-Текмен», «Касмир-Дери», «Поп-Фен» каби қатор қўшма корхоналарда асосан ёшлар меҳнат қилишяпти. Шу йилнинг ўзида мактабларни битирган ва армия хизматини тугаллаган 2000 нафар ёш янги касб-хўнарага ўқитилди ва ўргатилди. Шунингдек, ёшларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳам энг муҳим ва зифаларимиздан ҳисобланади. Чунки, «Ёшлик» саломатлик маркази ҳамширалари О.Нурматова, М.Фатхуллаевларнинг аризаларига кўра ҳуқуқлари тикланди ва улар ўз иш жойларида меҳнат қилишда давом этишмоқда. Ҳамшира Н.Дадабовага тўланмаган 36 минг сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Инсон саломатлигини яхшилашга ҳам эътибор кучайтирилган. «Соғлом авлод» вилоят дастурига

Сухбатдош: Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.



Бу фоний дунёда инсондан қоладиган яхши ном, эзгу ишидир. Шунинг учун бўлса керакки, маънан баркамол инсонлар саховатни, эҳсон ва мурувватни умр мезони деб билишади. Олтирқик туманидаги Қўллаби маҳалласида яшовчи Олимжон Маҳамов ана шундай саховатпеша, элим, юртим деб яшовчи фидойилардан. Отахон ўз сармоёси ҳисобидан маҳаллада «Ёшлар» гузарини барпо этди.

Суратда: «Ёшлар» гузарини барпо этди.



Жаннат оналар пойидадир, оналар хонадон чироғи, миллат кўрки. Китоблик пиру бадавлат онахон Зулайҳо Сафарованинг муборак етмиш ёшлик тўйида бу сўзлар қайта-қайта тилга олинди. Ўн икки нафар ўғил-қизни тарбиялаб, элга қўшган, 50 нафар неварачеварага бош бўлаётган нуронийга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Ш.СУЛТОН олган сурат.

Корхонанинг ҳақиқий хўжайинлари

Бир вақтлар маиший-кимё заводи сифатида танилган корхона бундан уч йил муқаддам таъназулга юз тутиб, қатор ташкилотлардан 137 миллион сўмдан зиёд қарз бўлди. Ишчи-хизматчилар узок вақтдан буён маош олмаётганликлари боис ишлашга қайфиятлари йўқ эди. Корхона раҳбарияти иқтисодий кўрсаткичларни чуқур таҳлил этди. Ёчимини кутаятган муаммолар белгилана олди. Айланма маблағлар камлиги учун корхона қувватининг чорак қисмидангина фойдаланилди. Чунки 13 хил маҳсулот ишлаб чиқаришга 120 дан зиёд турдаги полиэтилен, турли ишқорий ашёлар лозим эди.

Ана шундай беҳаловат кунларнинг бирида умид юлдузи порлади. Республика Вазирилари Маҳаммад Вазирилари 1998 йил ноябрда «Давлат мулкни хусусийлаштиришда хорижий сармоёларни жалб қилишнинг рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорга акцияларнинг бир қисми яқка тартибдаги лойиҳалар бўйича хорижий инвесторларга сотиладиган корхоналар рўйхати ҳам илова қилинди. Унга «Олмалик маиший кимё корхонаси» акциядорлик жамияти ҳам киритилган. Энди корхона ўз акциясининг 51 фоизини давлат улушида қолдириб, 46,5 фоизини хорижий инвесторларга сотишни тақлим этиши мумкин эди. Қайфияти кўтарилган мутасаддилар сармоёлорларни қидиришга тушди. Шу мақсадда тендер эълон қилинди. Натижаси чакки бўлмади. Екатеринбургнинг ҳозирги «Концерн Калина» деб номланган корхонаси мазкур заводнинг акцияларини сотиб оладиган бўлди. У билан 700 минг долларлик инвестиция дастури тузилди. Вақт ўтиши билан Олмаликдаги завод «Паллада Восток» шўба корхонасига айлантирилди. Қисқа муддатда 350 минг долларлик сармоё киритилди. Тезликда зарур хомашё, замонавий технология сотиб олинди, ишлаб чиқариш жараёнини бир маромадга, узлуқсиз амалга ошириш имконияти яратилди.

— Изланиш, ташаббускорлик ўз самарасини берди. — дейди бош директор Искандар Рашидов. — Қисқа вақт ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўн баробарга ўсди, сифат яхшиланди. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши ҳам саккиз баробарга ошди. Ҳозирда улар 25-30

ИШЧИ ҒУРУРИ

минг сўм атрофида иш ҳақи олишмоқда. Бир нарса мени қувонтиради, одамларда топширилган иш учун масъулият кучайди, пировард натижа учун ҳамма ўзини бирдек жавобгар деб ҳис қила бошлади.

Илгари бу ерда тайёрланган маҳсулотларни сотиш катта муаммо эди. Эндиликда кир ювиш воситалари, рўзгор буюмлари ва бошқа ашёларга ҳаридор сероб. Шу йилнинг ўзида салкам 300 минг долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Қаредга иқтисодий манфаатдорлик таъминланган, соғлом муҳит юзага келган бўлса, ишчилар зўр омилкорлик ва кўтаринкилик билан меҳнат қиладилар. Шу боис катта жамоа ҳар ойда 120 миллион сўмлик турли кимёвий ювиш воситалари ишлаб чиқараяпти. Таъкидлашларча, йил охиригача бу ерда ярим миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашга қарор қилинган. Эътиборлиси шуки, корхона янги чароитда ишлашга ўтунига қадар йилга нари борса 120 миллион сўмлик маҳсулот берган.

Ишчи-хизматчилар сифатга эътибор бериш билан бирга, маҳсулот жойлашадиган идишларнинг бежирим бўлишига ҳам ҳаракат қилдилар. Шунингдек, Бозор талаби синчковлик билан ўрганиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш цехларида бўлди. Одамларнинг қайфияти яхшилиги, улар ўз тақдирларидан, эришилмаётган натижалардан мамнун эканиликлари сезилиб турарди.

— Тўрт йил олдин ойлик маошимиз жуда кам эди, — фикрини ифодалайди тажрибали мутахассис Қизилгул Қўзиёева, — энди эса ҳамма бизга ҳавас қилаяпти. Интизом яхши йўлга қўйилган. Бирон киши сифатга пугур етказса, ўша заҳоти чора кўрилади. Турли миллат кишилари ҳамкорчи ҳамжиҳатликда ишлаб, иқтисодий кўрсаткичларни юксалтириб бораёпти. Надежда Мухторова, Тамара Сон, Дилфуза Қулчабекова кабилар шулар жумласидандир.

Пластмасса участкасида технолог-уста бўлиб ишлаётган Мастураҳон Абдиеванинг ҳам қувончи кекисиз. У ҳамкасблари Олга Прохорова, Ҳафиза Аҳмадова ҳақида гурур билан гапирди. Корхона касаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчилар ҳақ-хуқуқларини ҳимоялаш, қулай шарт-шароитлар яратиш борасида

аниқ тадбирларни амалга оширапти. Ҳар бир меҳнатчининг тўю тантаналари ёки маъракаларига корхона томонидан моддий ва маънавий мадда кўрсатилади. Энг муҳими, одамлар ҳалол меҳнат қилиб, юксак қадр топаётганларидан хурсанд.

Неъматжон Дўстматов бу ерда иш бошлаганида ёш йигитча эди. Ушанга ҳам 15 йил бўлибди. — Онам ҳам шу корхонада фаолият юритиб, қадр топдилар, — дейди Неъматжон. — Урта мактабни битиргач, уч нафар дўстим билан корхонага ишга келдим. Янгиликларим билан қарий 20 йилдан буён сиқидилдан тер тўкаётган Олег Саланцев сингари қадрдонларим бор. Дўстларим — суянган тоғларим.

Бу ажойиб корхона ҳаёти, унинг бир-биридан меҳнатсевар, омилкор ишчилари амалга ошираётган ишлар, эришилмаётган натижалар, истиқлол оддий кишиларга нима берганлигини яққол кўрсатиб туради.

Сухроб НИЁЗОВ, талаба.

Қонун барча учун баробар

ИНСОН ТАҚДИРИГА БЕФАРҚЛИК

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Тошкент бўлимига қарашли Ховос вагонларни таъмирлаш депоси IV разрядли чилангар Ф.Абдураззоқов бахтсиз ҳодиса оқибатида иш жойида вафот этди. Бу қайғули ҳолат ҳеч кимни бефарқ қолдирмади, албатта. Зудлик билан нуфузли комиссия ишга киришди. Аслида ўлим билан туғанган ушбу ҳодиса қандай юз берганди? 17 мартда ишга келган чилангар таъмирлаб ГАЗ 5204 маркали 12 АД 614 давлат белгилли бузуқ автомобилнинг олдинги чап гидрагини гидравлик дамқрат ёрдамида кўтарди. Таъмирчи киришгач, дамқрат қотирмасини янада мустаҳкамламоқчи бўлди. Таассуфки, у мурватни маҳкамлаш ўрнига бўшашиб юборди. Оқибатда оғир юк остида қолиб ҳалок бўлди.

Комиссия даставвал ушбу бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиш сабаблари мураккаблиги учун юқори ташкилотлар билан маслаҳатлашиш мақсадида бир нусхада далолатнома тузиб имзо чекади. Унда мазкур ҳодиса соат 12.30 да, яъни тушлик пайтида содир бўлганлиги ўйлантириб қўйган. Бироқ, фалокат ишлаб чиқариш билан боғлиқ эмаслигига ҳам тўла асос керак эди. Негаки, чилангарга корхона раҳбарияти топшириқ бермаган бўлса-да, шу жамоа манфаатини кўзлаб таъмирга қўл урганда бахтсизлик юз берди. Буни инкор этиш мумкин эмасди. Комиссия расиси тегишли идоралар билан мазкур воқеани муҳокама қилгач, Вазирилари Маҳаммадининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни, ҳодимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низомининг 1-бўлим 2-бандига асосан ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулот текшириш далолатномаси тузади. Ажабланилариси, уни ҳеч ким тан олишни истамасди. Ховос юк-вагон депоси раҳбари Г.Раҳимжонов эса барча комиссия аъзолари имзо чек-

кан бир нусхали илк далолатномадан нусхалар кўпайтириб, тегишли идораларга жўнатиб юборди. Ўзиниғи ўйлаб кўринг, галлага кимнинг тоқати бор. Ёпиғил қозон ёпиғилгича қолиши темир йўл мутасаддилари манфаатига мос келарди-да.

Бундай ҳолатга вилоят меҳнат бошқармаси бош давлат меҳнат техника инспектори Бобо Низомов ҳам томошабин бўлиб турулмади. У Ховос транспорт прокурори А.Омоновга, Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик компанияси расиси Р.Зоҳидовга, Ўзбекистон Республикаси транспорт прокурори К.Қирғизалиевга хат йўллаб, Ховос юк-вагон депоси ушбу ҳодисани ҳисобга олишдан ва Н-1 шаклдаги далолатномани тасдиқлашдан бош тортаётганлигини билдирди. Мазкур ёзишмаларда Ховос юк-вагон депоси раҳбари Г.Раҳимжонов томонидан Вазирилари Маҳаммади қарори билан тасдиқланган, юқоридаги Низомнинг 3-банди 8-бўлими талаби қўлпал таъбир билан қўрсатилди. Чунки бахтсиз ҳодиса маҳсулот текширув тугагандан сўнг 15 кун мобайнида фақат давлат меҳнат техника назорат-расиси маҳсулот текширув хужжатларини воқеа содир бўлган жойдаги прокуратура ва тегишли идораларга юбориши мумкин эди — корхона раҳбари эмас.

— Бир инсон ҳаётдан кўз олдаси. Аммо унга суяниб яшаган оиласи тақдирига бефарқ қараб бўладими, — дейди мазкур ҳолат бўйича текшириш комиссияси расиси Т.Абдураззоқов. — Дастлабки бир нусхадаги далолатнома ҳеч қандай қува эга бўлмаган тахминлар эди. Чунки уни маслаҳатлашиш, фикр олиш учун тузгандик. Ана шу қонун тусини олманган ҳужжатни дастак қилиб олишди. Кейинчалик кўпчилигининг бир томонга оғиб кетишидан коста тағида ним коста борлигини пайкаб қолдик.

Қисқаси, Ўзбекистон темир йўллари давлат акционерлик компанияси Тошкент темир йўли бўлими, Тошкент 1-сон юк-вагон depo-

Қува туманидаги Осийхум қишлоғида «Қуваун» ҳиссадорлик жамиятига қарашли макарон ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Цехда бир кунда 9

ЯНГИ ЦЕХ

тоннага яқин макарон маҳсулотлари чиқариламоқда. Бу ерда тайёрланаётган спагетти, вермишел, лапша ва бошқа турдаги макарон маҳсулотлари сифатлилиги, хуштаъмлиги билан харидорларга манзуур бўлмоқда. Цех ишга тушиши билан қишлоқнинг 20 нафар йигит-қизи иш ўринларига эга бўлди.

Сухбатдош: Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

Шартнома шартлари қандай бажарилмоқда?

СЎЗДАН АМАЛИЙ ИШГА

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси фаолиятини ўрганиш жараёнида эришилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. — Қорақалпоғистоннинг айрим туман ва шаҳар касаба уюшма кўмиталарида жамоа шартномаларини тузишга ижодий ёндашилмаган. — деди «Туркистон-пресс» мухбирига Марказий кўмита расиси Зоиржон Қодиров. — Меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид муҳим масалаларнинг эътибордан четда қолганлиги фаолият изчиллигига ўз таъсирини ўтказган. Хусусан, битим ва шартномаларга долзарб масалаларни киритиш, тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг таълим олаётган фарзандларини қўллаб-қувватлаш, аъзолик бадалларини бухгалтерия орқали ундириш, меҳнатқашлардан тушган аризалар билан ишлаш каби масалалар тўлиқ

ёритилмаган. Масалан, Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида аспирантларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга етарли шарт-шароитлар яратиш борасида бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. 70 нафар илм толибининг ханузгача ётоқхона билан таъминланмаганлиги сўзимизнинг исботидир. Марказий кўмитанинг навбатдаги Раёсат йиғилишида ҳам асосий эътибор юқоридаги масалаларга қаратилди. Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба

уюшма кўмитасига мазкур камчиликларни бартараф этиш ва фаолиятни «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида такомиллаштириш юзасида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди. Тадбир сўнггида Марказий кўмитанинг «Соғлом авлод йили» муносабати билан 2000—2001 ўқув йилида иқтидорли ва кам таъминланган талабалар учун таъсис этилган маҳсулот стипендияси соҳибдорлари рўйхати тасдиқланди.

Меҳнат ва рағбат

ОЛТИН ДАМЛАР ҚАДРИ

Зарбдор туманидаги «Тараққиёт» ижара-ширкатлар бирлашмаси пахтакорлари йигим-теримда илгорлар сафида боришяпти. 6 та «Кейс» русумли пахта териш машинаси ва Бахмал туманидан келган икки минг нафарга яқин хашарчилар хирмонга барака киритишмоқда.

2141 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23,5 центнердан ҳосил йиғиштириб, катта хирмонни 5038 тоннага етказишга аҳд қилган «Тараққиёт»ликлар терим суръатига сурият қўшмоқдалар. Хўжалик ҳудудидаги 70 та фермер хўжаликлари, 179 нафар пайчилар суръатни оширишга муносиб улуш қўшаяпти. Ортиқ-бой Эргашев бошлик «Элбек» фермер хўжалиги икки иш кунда режадаги 49 тонна ўрнига 51 тонна пахта топшириб йиллик режани бажарди. Ўткир Ражабов бошлик фермер хўжалиги давлат хирмонида 31 тонна пахта топшириб, маррага иккинчи бўлиб етиб келди.

«Кейс» русумли пахта териш машинаси иш унумини таъминлади, — дейди фермер хўжалиги бошлиғи О. Эргашев. — Режани бажарган бўлсак — да, терим суръатини сусайтганимиз йўқ. Мақсадимиз ҳосилдорликни гектарига 40 центнерга етказиш.

Пахта йигим-теримида хўжалик касба уюшма кўмитасининг ўз ўрни бор. Хўжаликда бўлган куними касабакўм Саидахмад Жумабековни ташкилий ишлар билан елиб-югуриб юганида учратдик. Кўмитанинг 7 нафар аъзоси бир жон, бир тан бўлишиб, астойдил бел боғлаб меҳнат қилишяпти.

— Бугун диққат-этиборни Бахмал туманидан келган хашарчиларга

етарли шарт-шароит ярати беришга қаратганмиз. Ахир улар ўз иссиқ жойларини тарк этиб, бизга мадад қўлини чўзишган экан, биз ҳам шунга яраша эътиборли бўлишимиз керак, — дейди касба уюшма кўмитаси раиси. — Бунинг учун мавжуд 17 та дала шийпонини мавсумга барвақт тахт этиб қўйдик. Йигим-терим ишлари бошлангандан аввал кўмита аъзоларимиз билан алоҳида йиғилиш ўтказиб, масъулиятли мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишга келишиб олдик. Бугунги кунда 750 нафар касба уюшма аъзоларининг ҳаммаси далага отланишган.

Хўжаликнинг Эрмухаммад Мингбоев бошлик бўлими дала шийпониди бўлиб, хашарчиларга яратилган шарт-шароит билан қизиқдик. Мададкорлар вақтида иссиқ овқат, чой, ҳўл мева, ширинликлар билан таъминланаяпти. Иш ҳақи

хар беш кунликда бериб борилмоқда.

8-бўлим дала шийпони сўлим ва баҳаво жойда эканлиги билан киши диққатини тортади. Моҳир ташкилотчи Холбой Жумановнинг таъкидлашича, ёшлар тарафтан пахтанинг бир қисми тележалар етишмаслиги сабабли маҳтал бўлиб қолаётган экан. Хамроҳимиз С. Жумабеков буларни ён дафтарчасига қайд этиб, муаммо бугуноқ ҳал этилишини айтди.

Хўжалик бош ҳисобчиси вазифасини бажарувчи Тожиқул Даврон келтирган рақамлар қувонарли. Галланнинг ўзидан хўжалик бу йил 18 миллион сўм соф даромад қилибди. Ўтган йили олинган соф фойданинг 313 минг сўми пайчиларга дивидент сифатида тақсимланибди.

А. АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Навоий тоғ-металлургия комбинатида қарашли 107-«Агама» давлат трикотаж корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури яна учтага ортди.

ЎТТИЗ ХИЛДА МАҲСУЛОТ

Бу ерда хотин-қизлар учун ўттиз хилдан зиёд кийим-кечак тайёрланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиғи Россияга экспорт қилинади. Жорий йил якунигача корхона 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 10 миллион сўм соф фойда олишни режалаштирган.

(ЎЗА)

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Маълумки, ҳар қандай корхона, ташкилот ёки муассасада биринчи галда тартиб-интизом бўлган тақдирдагина иш унумдорлигига, қолаверса меҳнатқаш манфаатдорлигига эришиш мумкин. Кўпинча амалиётда меҳнат интизომий, айниқса, ҳодимга иқтисодий жазо чоралари қўллашда бир қанча муаммоларга дуч келинмоқда. Бундан эса асосан ишловчилар жабр кўришади. Шундай тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида интизомий жазо чоралари ва уни қўллаш тартиби ҳақида батафсил тушуноча беришни сўраб Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитасининг меҳнат ҳуқуқ инспектори Орнфжон ҒАЙНАЗАРОВга мурожаат қилдик.

бошлаб бир ой ичида қўлланилиши керак. Ушбу муддатнинг ўтказиб юборилиши билан қўлланилган интизомий жазо ҳуқуқий кучга эга бўлмайди. Лекин, ушбу бир ойлик муддатга ҳодимнинг касаллик ҳамда таътилда бўлган вақтлари ҳисобга олинмайди.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтгани-

ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ

ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

Корхонада меҳнат интизомини таъминлаш иш берувчининг, яъни корхона раҳбарининг бурчи ҳисобланади. У меҳнат шартномасига, лавозим йўриқномасига, жамоа шартномасига, ички меҳнат тартиби қоидаларига, мукофотлаш тўғрисидаги Низомга ва бошқа ҳужжатларга асосланиб иш кўради. Ушбу ҳужжатлардан ички меҳнат тартиби қоидаларига тўхталиб ўтаемиз.

Корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидалари иш берувчи Меҳнат Кодексининг 174-моддасига асосланиб касба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланган корхонанинг ички норматив ҳужжати-дир. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида меҳнат вазифаларини кўпол равишда бузишларнинг рўйхати ички меҳнат тартиби қоидаларида; корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномасида; айрим тоифадаги ходимларга нисбатан интизом ҳақидаги Низомлар билан белгилашни кўрсатилган. Ушбу тартибдан келиб чиққан ҳолда ички меҳнат тартиби қоидаларини тузишда шу нарсага алоҳида эътибор бериш кераки, зарур деб топилса, унда ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузиш ҳолларининг рўйхати белгиланган бўлиши лозим.

дан кейин, молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижасида аниқланган ножўя ҳаракат содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин интизомий жазони қўллаб бўлмайди. Демак, «ножўя ҳаракат содир этилган кун» тушунчаси билан «ножўя ҳаракат содир этилгани аниқланган кун» тушунчасига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Масалан, ходим 1 март куни узрли сабабсиз прогул қилди. Бу ҳолат иш берувчига 1 июн куни маълум бўлди. Демак, ножўя ҳаракат содир бўлган кун — 1 июндан бошлаб бир ой ичида — 1 июлга қадар интизомий жазо чораси қўлланиши мумкин. Агарда ножўя ҳаракат 10 июлда маълум бўлса 1 августга қадар 21 кун ичида, яъни ножўя ҳаракат содир бўлган куннинг олти ойи ичида интизомий жазо чораси қўлланиши мумкин. Агарда ножўя ҳаракат 10 июлда маълум бўлса 1 августга қадар 21 кун ичида, яъни ножўя ҳаракат содир бўлган куннинг олти ойи ичида интизомий жазо чораси қўлланиши мумкин. Агарда ножўя ҳаракат 10 июлда маълум бўлса 1 августга қадар 21 кун ичида, яъни ножўя ҳаракат содир бўлган куннинг олти ойи ичида интизомий жазо чораси қўлланиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 174-моддаси талабини бузиш ҳисобланади ва бундай ҳужжат юридик кучга эга бўлмайди. Меҳнат кодексининг 174-моддаси талабини бузиш ҳисобланади ва бундай ҳужжат юридик кучга эга бўлмайди. Меҳнат кодексининг 174-моддаси талабини бузиш ҳисобланади ва бундай ҳужжат юридик кучга эга бўлмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ ҳодимга имзо қўйдириб маълум қилинади. Бунинг моҳияти ходимнинг қўлланилган интизомий жазо чорасига эътироз билдиришига, ўз меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланишига ўз вақтида тўла имконият ярати берилишидир.

Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ножўя хатти-ҳаракати тўғрисида ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унга нисбатан интизомий жазо чораси қўллашга тўсик бўлмайди. Шунга эътиборга олиш кераки, иш берувчи ходимдан ҳақиқатдан ҳам тушунтириш хати талаб қилганлигини асослаб бериши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортишнинг ҳақида тузилган далолатнома (акт) буни исботловчи ҳужжат ҳисобланади. Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун битта интизомий жазо қўлланилиши мумкин.

Интизомий жазо чораси қўллаш тартибидан бири — ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ ҳодимга имзо қўйдириб маълум қилинади. Бунинг моҳияти ходимнинг қўлланилган интизомий жазо чорасига эътироз билдиришига, ўз меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланишига ўз вақтида тўла имконият ярати берилишидир.

Бугун ҳамманинг хаёли далаларда, ҳосилни кўз-кўз қилаётган пахтазорда. Ҳозирданоқ меҳнатининг маҳсулини кўрган механизатор Жўра Қоратов, пахтакорларга беминнат ёрдам қўлини чўзган Акмал Омонов сингари хашарчилар ҳам суръатга суръат қўшмоқда. 40 центнердан ошиб ҳосил қўшган Ш.Рашидов ҳам суръатга суръат қўшмоқда. 40 центнердан ошиб ҳосил қўшган Ш.Рашидов ҳам суръатга суръат қўшмоқда. 40 центнердан ошиб ҳосил қўшган Ш.Рашидов ҳам суръатга суръат қўшмоқда.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар



ИЛГОР ТАЖРИБА ҚЎЛ КЕЛДИ

Эрта эккан барвақт хирмон кўтарур, деган нақлнинг қанчалик тўғрилигини амалда исботлаган Ш.Рашидов туманидаги Абдулла Қодирий номи фермер хўжалиги ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга пахта топшириш режасини туманда биринчилардан бўлиб адо этди.

Ҳосилдорлик юқори бўлишига ҳар жиҳатдан заршуноснинг билдим, тажрибаси, ўша ҳудуд шароити учун мос уруғлик танлаи билишга боғлиқ. Фермер хўжалиги раҳбари Асадулло Бердикулов тажрибада анча синалган «Гулбахор» навли уруғни ерга қадаб янглишмади. Аммо бу йил сув танқислиги пахтакор ишини бироз мушкуллаштирди.

Мавсум пешқадамлари

— Айни шу муаммони биз «Гулбахор» навини танлаб ҳал қилдик десак, муболага бўлмайди, — дейди Асадулло ака. — Афзаллиги шундаки, бошқа навларга нисбатан сувни бир неча баробар кам ичди, ён томонга тарвақламай тўл ўсади, бу эса кўёш нуридан тўла баҳраманд бўлишини таъминлайди. Яхши агротехник ишлов берилса 80-90 тагача кўсақ ҳосил қилади, энг муҳими барвақт пишиб етилади.

Жорий йилда 267 гектар майдонга чигит қадаган фермер хўжалиги ҳосилнинг юз фоизини биринчи навга топширди. Ҳосил барвақт йиғиштириб олинишида, албатта, теримчиларга қўлай шарт-шароит яратиш ва меҳнатга яраша рағбатлантириш муҳим ўрин тутди. Шу боис дала шийпониди уларнинг маданий дала олиб, хордик чиқаришлари учун телевизор, радио, кундалик матбуот нашрлари муҳал қилинган. Икки маҳал иссиқ овқат тортилади. Таъкидлаш кераки, терилган пахтага пулнинг вақтида тўланиши мавсумининг кўнглидагидек ўтишида омил бўлмоқда.

Фарида Умарова, Насиба Сулаймонова, Хадича Қўшанова каби илгор теримчилар кунига 150-180 килодан дур йиғиштириб олмақдалар.

Хўжалик далаларида ҳали ҳосил бор. Обҳавонинг ўзгариши теримчилар кайфиятини чўктирмади, бильакс меҳнат баҳси кизгин давом этаётир.

Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

БИЗДАН ФАҚАТ ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ

Қизил ярим ой жамияти ёшлар маркази тажрибасидан

«Атрофингизга назар ташланг, балки сизнинг кўмагингизга муҳтож кишилар бордир? Ёрдам қўлинигизни чўзинг! Зеро, инсондан фақат яхшилик қолади.» мазмунидagi лавҳага кўзингиз тушгандир? Бейхитёр буни ким ёзди экан, деган хаёлга борганингиз табиий. Бу хайри ишларнинг бошида Қизил ярим ой жамияти ёшлар маркази турибди.

— Бизга аъзо бўлган ёшлар энг аввало ёрдамга муҳтож ёлғиз қарияларга кўмак беришлари зарур, — деди Қизил ярим ой жамияти ёшлар маркази раҳбари Марат Мирзақонов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Шу билан биргаликда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, ўғрилик сингари зарарли одатларнинг қандай оқибатларига олиб келиши ҳақида саҳна кўриниши ва давра сўхбатлари асосида ахлоқий ва ҳуқуқий тарбия соатлари олиб боришни олдиға мақсад қилиб қўйган.

М.Мирзақоновнинг эътирофи эътиҳа, бугунги кунда

марказнинг республикамиз бўйича сақизта бўлими фаолият кўрсатмоқда. Диққатга сазовор жойи шундаки, марказга аъзо бўлганлар эзгулик ва яхшилик уруғларини экишга чоғланган ёшлардир. Жиззах шаҳрида ногирон болаларни тўплаб уюштирилган концертнинг катта шодидёнага айланганини гувоҳи бўлиб, уларнинг ўзлари ҳам беҳад қувонишди. Шунингдек, яқинда Гулистон шаҳрида ёшларни тўплаб, биринчи тиббий ёрдам қандай кўрсатилиши ҳақида амалий семинар ўтказилди. Ҳар бир вилоятда гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борапмиз.

Ҳозирги кунда марказ ёшлари томонидан республикамизнинг шаҳар ва туманларида табиий офатлар содир бўлганда нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида мактабларда, кўпроқ ёшлар меҳнат қиладиган корхоналарда семинарлар ва давра сўхбатлари олиб борилмоқда.

Текширув натижалари нимани кўрсатди?

ПАТТА ПУЛИ КЎПАЙДИ

Вилоят солиқ бошқармаси ходимлари ўтказган назорат текшируви Қарши мол ва эҳтиёт қисмлар бозори очик ҳиссадорлик жамияти раҳбарларини анча гангитиб қўйди. Ҳар бир фуқародан олинган патта пули синчиклаб текширилди. Ҳўш, натижа қандай? Фалвир сўвдан кўтарилганда фуқаролардан 687360 сўм ундирилганлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, ундан олдинги яқшанбада бу рақам 316820 сўмни ташкил этган эди. Қаранг, биргина текширишда патта тушуми 370540 сўмга ошган.

Ҳақли савол туғилади: текшириш ўтказилган кунларда бозорга одамлар кам киришганими ёхуд патта пули кассагамас, кассага тушганими?

«ЭЛ ҲАҚИ»ДАГИ ХАНГОМАЛАР

Солиқ идоралари мутахассислари тузган баъзи дало-

латномаларни кўздан кечириб, келтирилган рақамлардан ақлингиз шошади. Фузор туманидаги «Эл ҳақи» очик ҳиссадорлик жамиятида фойда солиғидан катта миқдорда қўшимча борлиги аниқланди. «Эл ҳақи»дан жарималар билан жами 7777,4 минг сўм ундирилганди.

Косондаги ёғ-экстракция заводида эса фойда, қўшимча қиймат ва солиқнинг бошқа турларидан кўплаб қўшимча йиғилган экан. Раҳбарлар, ҳисобчилар бунга қандай мақсадда қўл урганликларини билмадигу, лекин уларнинг «янглишиб кетиши» корхонага роппа-роса 123705,4 минг сўмга тушди.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳисоб-китоблар билан шўғулланидиган кўпгина ходимлар «Ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига киритилганди харажатлар ҳамда молиявий натижаларни

шақланттириш тўғрисидаги Низомнинг биринчи иловасидаги кўрсатмалардан яхши хабардор эмаслар. Баъзан эса солиққа тортишда имтиёзларнинг нотўғри қўлланиши ҳам ҳатолар келиб чиқишига сабаб бўлаётир.

ЖАРИМА УНДИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 май ҳамда 1996 йил 24 январдаги Фармонларида халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш алоҳида таъкидланган. Шунга қарамасдан тақрибан муддатга ўтган дебитор қарздорликни содир этиши, олдиндан пул ундирмасдан маҳсулот ҳўнатиш, хизмат кўрсатиш ҳолатлариға йўл қўйилмоқда.

Муборак туманидаги «Саховат» жамоа ишлаб чиқариш корхонасида 3533 минг сўм, Касби туманидаги техник хизмат кўрсатиш устaxonасида 9038,3 минг сўм муддатга 90 кундан ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйилган. Яқкабоғ туманидаги «Адиба», «Барака», «Лада», Касби туманидаги «Темирйўлчи» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаларида, шу тумандаги қурилиш-таъмирлаш, Нишон туманидаги 22-МКК ташкилотларида ҳам бундай ҳолатлар содир этилган.

Айни вақтда жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳатоларини келиб чиқиш сабабларини ўрганмоқдалар. 470 корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчиларидан 8315,1 минг сўм маъмурий жарима ундирилди.

ҲАР БИР СЎМНИНГ ҲИСОБИ БОР

Усмон Юсупов туманидаги савдо очик ҳиссадорлик жа-

миятига қарашли 8-дўкон ҳамда «Табассум» хусусий фирмасининг ошхонасида тушган нақд пуллар бошқа мақсадларда ишлатилганлиги, банк муассасаларига муддатиди топширилмаганлиги учун дўкон муддири Б.Султонов ҳамда ошхона раҳбари Н.Худойбердиев катта миқдорда маъмурий жаримага тортилди.

Қамаши, Шаҳрисабз, Муборак туманларида ҳам кўплаб ҳудди шундай ҳолатларга дуч келинди. Аксарият фирма бошлиқлари, дўкон мудирлари «арзиманган тушумни ҳар кун банкка топшириш шартми, йиғилганда ҳам давлат бюджетига тушадик» деган эътирозларни билдиришди. Лекин назамиз ҳар кун топшириладиган ана шу маблағлардан кўпайди ва ҳисоб-китоблар шунга қараб амалга оширилади. Буни ёддан чиқармаслик керак.

УЧАР КИРАКАШЛАР

Косон тумани Мўжагул маҳалласида яшовчи А.Жўраев, Қарши туманидаги Т.Мирзаев номи жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи О.Рўзиев, Қарши шаҳар Муллаўйчи кўчаси 20-уйда турувчи А. Ўзбековлар ўзларининг «Дамас» русумли автоуловларида киракашли қилишади. Уларнинг аҳолига баҳоли қудрат хизмат кўрсатаётганлиги яхши. Бироқ бу «ишбилармонлар» на ҳокимликдан рухсат олганлар, на солиқ инспекцияси рўйхатидан ўтганлар.

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган навабдаги рейдда 35 та ана шундай «учар ҳайдовчи» ушланди ва амалдаги қонунлар асосида жазоланди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ.

Назм бўстонида

ВАТАН ИШҚИ

Истиклолдан армонига етган қахрамон, Кўкси чаман, олам узра танҳо ва суюк. Нур кўйида жилланган бағри нурафшон, Тарихларда шавкати бор, иқболи буюк. Ўзбекистон — гулистоним, обод Ватаним, Бахти кулган, нурга тўлган озод Ватаним.

Ярқирайди тоғларингда новвот қоялар, Шарбат тўла боғларингнинг таърифи жаннат. Кўтарилди пок сийнангдан мудҳиш соялар, Осмонингда учсин тинчлик каптари фақат. Ўзбекистон — гулистоним, обод Ватаним, Бахти кулган, нурга тўлган озод Ватаним.

Меҳнатсевар элинг олим, қўли гул деҳқон, Донги кетган гул ўстириб тошларда азал. Сен азизсан, муқаддассан ҳамда меҳрибон, Дилим яйрар сенинг мадҳинг куйлаган маҳал. Ўзбекистон — гулистоним, обод Ватаним, Бахти кулган, нурга тўлган озод Ватаним.

Тупроқ ила тошларингнинг борму баҳоси, Шаҳарларинг, қишлоқларинг дунёга дoston. Ҳофизларнинг, шоирларнинг ширин навоси, Сенга олқиш, сенга жоним, сенга шараф-шон. Ўзбекистон — гулистоним, обод Ватаним, Бахти кулган, нурга тўлган озод Ватаним.

ЎХШАШНИ Топмадим

Дунё кездим таскин топса деб кўнгли, Не-не ўлка, не-не тоғлардан ошдим. Аммо юрагимга сизгиролмай қил, Азиз муҳаббатли юртимга шошдим.

Тушунмайман, кимлар яшар хотиржам, Овлоқда бемалол ичиб майи ноб. Бедард кўкармайди ҳатто гиёҳ ҳам, Тортаркан қорларинг остида азоб.

Тўқилмоқда умрим барглари ҳар кун, Мен яшай олмадим беташвиш, беғам. Ўз умрига бефарқ қараш мумкин Ҳаёт нималигин билмаган одам.

ТОҒЛАРИМ

Олисларда жонимдан тўйиб, Тор бўлса гар кўзимга олам. Овозимни баралла қўйиб, Юрт ҳақида куйлайман бардам.

Шан кўшиқни мен айтган сарим, Ҳаёлимни безар гул дийр, — Кўз олдимдан ўтар тоғларим, Унда ширин роҳатбахш куч бор.

Ўзни енгил сезаман шу чоқ, Ортада қолар ўкинч, армонлар. Билмам, қандай яшашар узоқ Ўзга юртда қолган инсонлар.

БУ СИРЛИ ОЛАМ

Ер қурраси айланар экан, Қўнлар ўтар, ўтар аср ҳам. Узгаради борлиқ — биз кўрган Табиат ҳам, кўркам қаср ҳам.

Олам узра бўлур, албатта, Биз билмаган нарсалар бунёд. Ушанда ҳам севги, нафратда Узгармайин яшар одамизот.


Бир бекатга ўхшайди олам, Эртақлардай сирли ва кўркам. Унга келган, кетувчиларни Инглаб-инглаб кузатар ҳардам.

Бир бекатга ўхшайди олам, Поезд келар, бўлгил хотиржам. Галва қилиб баъзан ўзимиз, Тезлатамиз муддатини ҳам.

Бир бекатга ўхшайди олам...

Ориф ОДИЛХОНОВ.

Шундай дамда ўша ижод жараёни, изланиш самараларини ва айна вақтда, давр зиддиятлари сабабли амалга ошмай қолган режаларни эслаш, тилга олиш табиийдир. Зеро, шўролар Абдулла Қодирийни расман оқлаган бўлса-да, унинг асарларини қайта наشر этиш ёки сахнага, экранга кўчиришга розилик бериши гоёт машаққатли кечарди. Шу боис ҳам А.Қаюмов, С.Мухамедов ва Й. Аъзамовнинг неча йиллар давом этган ҳаракатлари фавқулодда бир серияли асар яратишга руҳсат олиш билан якунланди.



Аслида Абдулла Қодирийнинг қалин романини бир соату ўн беш — ўн етти дақиқалик филмга айлантириш бакуват адабиёт асарининг қадрига етмаслик, калом соҳиби ижод этган матни увол қилишнинг ўзгираси эди. Бу ҳақда биз ўша оғир дамда газета саҳифасида айтиб, бурчимизни бажаргандек бўлган эдик, «Нега А. Чеховнинг ҳикоясига ҳам, А.Қодирий романига ҳам бир хил метраж ажратилди?» деб савол қўйиб, жамоатчиликка мурожаат этгандик...

Лекин Қодирий қахрамонларининг ҳаёти озми-кўпми экранда давом этишига имкон олинган дамда изланиш, романининг янги — экран шакли ҳақида ўйлаш зарурроқ эди ва бу масала давр имкониятлари даражасида ҳал этилди. Каминга «Кино оламида» телекўрсатувида ёшларга мурожаат этиб, «Кумуш, Отабек, Зайнаб» ролларини ўйнашни истаганлар фото-суратларини, мактубларини бизга йўлласинлар» деганди. Аввал ўнлаб, юзлаб, сўнгра минглаб хатлар, фотолар кела бошлади. Ҳафта, ўн кун ўтар-ўтмас хатларни доналаб эмас, қоплаб ҳисоблашга ўтган эдик. Ғўзал қизалоқлар, барно йигитлар Қодирий қахрамонларини гавдалантиришга шай эдилар.

Шунда биз Йўлдош Аъзамовга «Зухра ролини 16,5 ёшдаги Юлдуз Ризаева, Тоҳир ролини 17,5 ёшдаги Ғулум Тожиёлов ўйнаганини ёдингиздан чиқарманг! Ёшларга ишонаверинг! Наби Ғаниев ишонган-ку! «Тоҳир ва Зухра» жаҳонга ўзбек қизининг чиройини, боқиралигини, самимиётини, ўзбек паҳлавонининг иродаси, Ватанига садоқатини, кучли ҳис-туйғуларини

кўз-кўз қилган эди-ку!» деган эдик. Бу гаплар телээкран қаршисида ҳам, «Ўзбекфилм» павилониди ҳам, Йўлдош аканинг хондониди ҳам айтилган вақтлар кўп бўлганди. Хўш, натижа қандай бўлди? Режиссёр аввало Абдулла Қодирий қахрамонларини ўйнаш шарафига мурасар бўлганларнинг ҳар бири билан узок суҳбат қургани, ҳолат ўргатгани, ҳақиқий ўзбек филмида миллӣ характер гавдаланишига эътибор бергани маълум. Ҳаттоки хонанда Муроджон Аҳмедов «Бўзахона» сахнасида қандай ашула айтиши кераклиги ҳақида бир неча ой ўйланган эди. Кўпдан-кўп ашулалар эшитиб кўрилган эди. Муроджон ака пировардида «Ўртар»ни тайёрлаб келганларини, уни тинглаган режиссёр ҳам, композитор Манас Левиев ҳам масала ҳал бўлганини хурсанд бўлиб айтганларини студиядагилар ҳали ҳали эслайдилар. Айниқса, Аббос Бакиров (Юсуфбек хожи), Раззоқ Хамроев (Қутидор), Ҳамза Умаров (Ҳомид), Марям Ёқубова (Ўзбек оғийм), А.Муродова (Офтоб оғийм) каби актёрлар давр тузилган ушшоқ ижодчилар ансамблидан

БОҚИЙЛИККА ДАХЛДОР

«Ўтган кунлар» романи кино тасмасига кўчиб, экранда 30 йил умр кўрди

барча мамнун бўлди. Юсуфбек ҳожининг ақлзаковати, Қутидорнинг меҳри, нозик табиати, Ўзбек оғиймининг мураккаб ҳолатларда ўзини тутиши, Офтоб оғиймининг ғўзал чехрасида ҳамиша эзгулик, муруват вломатлари сезилиб туриши филмининг беэди, бойитди. Шундай ўйлар билан мазкур асар устида ишлаган ижодкорларнинг айримларини йўқладим. Улар учрашганда, қулоч

қахрамонини кузатиб борганлар, зарур бўлганда таклифларини юмшоққина қилиб айтиб турганлар. «Мана бу ерда Офтоб оғийм йиғлаши керак. Тайёрланинг», — дер эдилар. Одим ташлаш, рўмол ўраш, қай тарзда муомала қилиш — буларни аямиз эринмай ўргатиб, баҳолаб борардилар. Гўлчехра Саъдуллаева эса ўша дамларни эслаб «Биласизми, имконияти-

балки!? Мана бу саволларга жавоб беришга ҳаммасим Лола Элтоева имкон топди. Яқинда — янги шароитда суратга олинган икки серияли филмда Зайнаб рўйи-рост гавдаланиши учун имкон бўлди. Мен ва менинг Зайнабим 1969 йилда оғир аҳволда эканлигининг яна бир сабаби бор эди. Режиссёр Й. Аъзамов тушунчасида Кумуш ғўзал, Зайнаб хунук эди. Гримёрга шу тарзда вазиға берилди: Зайнаб — Г. Саъдуллаева, Кумуш — Г. Жамиловадан хунук бўлиши керак. Қарирок, кўримсизроқ қилаверинг, — дерди. Романда Зайнаб ўзгача таърифланган-ку!..

Суҳбатни диққат билан тинглаб ўтирган Гўлчехра Жамилова: «Адабиёт асари миллий руҳ билан сугорилган кино тасмаси пайдо бўлиши учун хизмат қилди. Барчамиз романини қайта-қайта ўқир эдик. Менга Кумушнинг шоиртабиат қизлиги маълум эди. У мумтоз шеъриятдан кун



ёзиб бир-бирини қўтлашини, соғинч билдиришини кўрдим. Офтобойим (А. Муродова) ҳамда Кумуш биби (Г. Жамилова)нинг хуш кайфияти, йиғлаб кўришиши «Ўтган кунлар»нинг давомидек туюлди. Зайнаб (Г. Саъдуллаева) ва Кумуш (Г. Жамилова)нинг бир-бирига бўлган самимиёти, меҳрли нигоҳлари эса филмга, романга мос келмагандек кўринганлиги учун ҳам кишида янада завқ-шавқ уйғотарди. Орага сукут ҳам тушди. Кўз ёши ҳам бўлди. Нигоҳлар неча қайта учрашдилар ҳам. Бироз чўзилди кетган сукутнинг бузилиб «қайси дамлар айтмиқса ёдингизда қолди, «Ўтган кунлар»нинг (1969 - 1970 й.) қандай сабоқларини ёдда сақлаш керак, фикрингизча», деб савол берганимда А. Муродова Офтоб оғиймга хос андиша, камтаринлик билан ниҳоятда оқилона сўзларни айтдилар: «Устоз — шоғирд» масаласи юзасидан кўп фикр юришамиз-у, тажриба баъзан ёддан чиқади. Мен анча ёш эдим. Кинода тажриба йўқ эди. Шу боис, ёнимда ҳамиша Лутфиҳона Саримсоқова бўларди. Бу буюк актриса «Ўтган кунлар»да рол ўйнамаганлар. Менинг

миз даражасида ҳаракат ниҳоятда чеклашган. Шахсан мен Зайнаб қабристонни телбаларча кезиб юришини актёр сифатида кўрсатишни жуда хоҳлардим. Рухсат берилди. Шўролар даврида қабристонни кўрсатиб бўлмасди. Яна бир масала — Москва бир серияли филмга руҳсат берган. Ижозат зўрга олинганини билардим. Лекин катта китобни оддий — бир серияли филм қилиш увол-ку! — деб ўйлардим ҳам. Бу ҳол қахрамонининг руҳий ҳолатини тўла-тўқис очмиша тўқинлик қилди. Зайнаб Хушрўй биби билан учрашиб, суҳбатлашиб, гап ўрганиб, режалар тузиши филмда йўқ. Бир серияли филм бунга имкон бермаган. Зайнабни қотилликка ундаган «Ўтган кунлар»да рол ўйнамаганлар. Менинг

сари баҳра олиб бориши романда таъкидланган-ку! Кумушнинг ўзи ҳам ўша шеъриятдек ғўзал, нафис. Шу ҳолатларни таъкидлашга мен ҳам қўлдан келганча уринган эдим...», деб қизлар гурунгува якун ясагандек бўлди.

«Ўтган кунлар»нинг бугунги кун учун аҳамияти ниҳоятда катта. У миллий характер яратишга, қахрамон ва муҳитни ўзаро чамбарчас боғлаб таърифлашга, қизиқарли сюжет қилишга, айтилган ва ёзилган сўзга драматургик «юк» беришга ўргатади. Мустақиллик даврида миллий кино санъатимизнинг янги даври бошланган экан, кино захираларига бой бўлган «Ўтган кунлар»нинг таърибасига қайта-қайта мурожаат этишимиз табиийдир.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Ифтхор

Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида зўр муваффақият билан ўтказилган кураш бўйича «Ислом Каримов турнири» ўз ниҳоясига етди.

ЎЗБЕК КУРАШИ ПАРВОЗИ

Футбол ватанининг барча хуудларидан ўнлаб полвонлар иштирок этган турнир беллашувларида олти нафар спортчимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Улар мурасасиз бахсларда муваффақиятли қатнашиб, ғолиб ва совриндорлар сарифини муносиб ҳимоя қилдилар. Улар мурасасиз бахсларда муваффақиятли қатнашиб, ғолиб ва совриндорлар сарифини муносиб ҳимоя қилдилар. Улар мурасасиз бахсларда муваффақиятли қатнашиб, ғолиб ва совриндорлар сарифини муносиб ҳимоя қилдилар.

Энг муҳими, Ўзбек кураши яна бир Европани забт этди. Қироллик мамлакатиде ушбу спорт тури катта қизиқиш билан қўтиб олинди. Ўнлаб чемпионлар, истеъдодлар кашф қилинди. Ҳа, келгусида анъанавий тус оладиган ушбу нуфузли халқаро турнир миллий ифтхоримиз бўлиши курашининг XXI асрдаги дунё бўйлаб юксак парвози бўлишига шубҳа йўқ.


ТУРНИР НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Ўтган ҳафта мирзачўлликлар хотирасида катта теннис байрами сифатида муҳрланди. 25-30 сентябр кунлари Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуининг теннис кортлари иккинчи бор халқаро «Фьючерс» турнири қатнашчилари билан гавжум бўлди.

Қизгин ва мурасасиз бахсларда турли юрт вакиллари ғолиблик учун беллашдилар. Дарвоқе, турнирда илк бор сирдарёлик ўн олти ёшли теннисчи Денис Лукмановнинг иштироки рақотқчилари билан бемалол баҳс бойлашишга қодир ёш спортчиларимиз етишиб қийаётганлигидан дарак берди.

10 минг АҚШ доллари низоим жағфарбасига эга турнирнинг жуфтлик ва яққалик бахслари жуда кескин курашлар остида ўтди. Яққалик беллашувларида Белорус ракетка устаси Александр Швеца биринчи, словакиялик теннисчи Мертенакесга иккинчи ўрин насиб этди. Жуфтлик бахсларида эса франциялик теннис усталари Бейнт ва Лани олдиға тушадигани топилмади.

— Гулистон қадрдон шахорларимдан бирига айланган, — дейди белоруслик теннисчи Александр Швеца. — Юртингизга ҳавасим келадди. Чунки мамлакатингизда спортчилар учун барча имкониятлар мавжуд. Бу йилги мусобақада хориждан жуда кўп спортчилар иштирок этиши Гулистон турнирининг нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Ш.НУРИЛЛАЕВ.



БОШҚОТИРМА

ЭНИГА: 7. Ипак газлама. 8. «Анабиби қори» номини олган ўзбек шоирасининг тахаллуси. 9. Чор Россиясида дворян болаларини офицерликка тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юрти. 10. Зодагонлар орасида расм бўлган испанча рақс. 11. Авёли шамол. 12. Математиканинг бир бўлими. 15. Кемани шамол кучи билан ҳаракатга келтирувчи мато. 17. Хамирли таом. 18. Оврўладаги давлат пойтахти. 19. Чақалоқ дунёга келганлиги муносабати билан бериладиган «зиёфат». 22. Ер ости сув иншооти. 24. Кимёвий элемент. 26. Шимолий Амрикодаги Эчкилар оролидаги шаршара. 29. Украина, Литва ва Польшада яшовчи, туркий тилда сўзлашувчи кичик бир элат. 30. Шаффоф, кўкиш-яшил рангли жавоҳир. 31. Ҳинд кинофильми. 32. Бузоқ терисидан тайёрланган кўн. 33. Қариялар хуш кўрадиган таом.

БЎЙИГА: 1. Олабуғасимонлар туркумига мансуб балиқ. 2. Тортиш ёки итариш хусусиятига эга бўлган жисм. 3. Фаранг адиби. «Қора ва қизил» асари муаллифи. 4. Бобурийлар ҳукмронлиги даврида қўлланган уруш қуролларидан бири. 5. Ўқотар қурол тури. 6. АҚШдаги штат. 13. Келин билан кўёвнинг никоҳ кечаси бошқалардан холи ўтирадиган жойи. 14. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Фармонзоннинг машҳур кўшиги. 16. Обру-этибор. 17. Етти дўзахнинг бири. 20. Ўрнига келтириб ижро этмоқ. 21. Денгиз тубининг сув кўтарилганда кўмилиб, сув қайтганда қуриб қоладиган зонаси. 23. Келажак. 25. «Асрга татиғулик кун» асари муаллифи, машҳур қирғиз халқ ёзувчиси. 27. Автоуол. 28. Салотнинг бири қисми.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ.

Газетанинг 140-сониде чиққан бошқотирма жавоблари

БЎЙИГА: 1. Таълим. 2. Талаба. 3. Тирноқ. 4. Аэроил. 6. Канизак. 8. Адабиёт. 12. Увайсий. 14. Утмиш. 19. Тест. 20. «Халқ». 21. Ария. 23. Иноқ. 24. «Шайтанат». 25. Широқ. 26. Қулоқ. 27. Йиғитликда. 28. Хулқар. 31. «Чангак». 33. Мустақиллик. 37. Тиллақори. 38. Сабоқ. 39. Радио. 41. Китоб. 42. Инсон. 47. Алифбо. 50. Фарзин. 52. Баҳром. 56. Мовий. 37. Зилол. 58. Исирик. 59. Офтобойим. 60. Юсуф. 62. Зира. 63. Каср. 64. Фард. 68. Қомус. 71. Раққоша. 72. Мушоира. 74. Импорт. 75. Нодира. 76. Мезбон. 77. Афсона.

ЭНИГА: 1. Тижорат. 3. Томорқа. 5. Акция. 7. Яқтак. 9. Самарқанд. 10. «Зафарнома». 11. Муканна. 13. Қорақўл. 15. Башорат. 16. Тилак. 17. Тиниш. 18. «Шоҳнома». 19. Тахт. 20. Хатна. 22. Қори. 28. «Хордиқ». 29. Қария. 30. Ялавоч. 32. Мингбулоқ. 34. Хунарманда. 35. Нур. 36. Хасан. 38. Савр. 40. Пойтахт. 41. Кели. 43. Галлаорол. 44. Одоб. 45. Каттақўрғон. 46. Сулҳ. 48. Президент. 49. Қулф. 51. Лавлагги. 52. Баён. 53. Адлия. 54. Тил. 55. Оби-замзам. 57. Зардўзлик. 61. Наврўз. 62. Зиррак. 63. Қўлам. 65. Фитр. 66. Анжир. 67. Дард. 69. Айрилк. 70. Қамар. 72. Март. 73. Тенглама. 74. Илтиҳон. 76. Мадраса. 78. «Хиндистон». 79. Чингизхон. 80. Банк. 81. Қуртак. 82. Теорема. 83. Нишолда.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма тиббоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сotувада эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 21.30.